



TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 1960S AND 1980S

Fayzulla Bobokulovich Ochildiyev

Doctor of historical sciences, associate professor

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: fayzulla72@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara, Karshi, Termiz, Samarkand, India, Afghanistan, Isfahan, Mashhad, Marv, Chorjoi, Kashmir, Central Asia, trade routes, trade, tea, rice, indigo, indigo dye.

Abstract: The article describes the trade relations of the Bukhara Emirate with India in the 1960s and 1980s. Also, the types of products exchanged between the two countries, as well as the growth of trade and the volume of trade, were analyzed.

Received: 07.06.23

Accepted: 09.06.23

Published: 11.06.23

XIX ASRNING 60-80 YILARIDA BUXORO AMIRLIGINING HINDISTON BILAN OLIB BORGAN SAVDO ALOQALARI

Fayzulla Bobokulovich Ochildiyev

Тарих фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: fayzulla72@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро, Қарши, Термиз, Самарқанд, Ҳиндистон, Афғонистон Исфажон, Машҳад, Марв, Чоржўй, Кашмир, Ўрта Осиё, савдо йўллари, савдо-сотик, чой, шали, индога, нил бўёғи.

Аннотация: Мақолада XIX асрнинг 60-80 йиларида Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борилган савдо алоқалари ёритилган. Шунингдек, икки давлат ўртасида айрбошланган маҳсулотларнинг турлари ҳамда савдо ҳамда савдо ҳажмининг ўсиб бориши таҳлил қилинган.

ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С ИНДИЕЙ В 1960-Х И 1980-Х ГГ.

Файзулла Бобокулович Очилдиев

доктор исторических наук, доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: fayzulla72@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухара, Карши, Термез, Самарканд, Индия, Афганистан, Исфахан, Мешхед, Марв, Чорджой, Кашмир, Средняя Азия, торговые пути, торговля, чай, рис, индиго, краситель индиго.

Аннотация: В статье описываются торговые отношения Бухарского эмирата с Индией в 1960-х и 1980-х гг. Также были проанализированы виды товаров, которыми обмениваются две страны, а также рост товарооборота и объемов торговли.

КИРИШ

Шарқ тижорат дунёсининг йирик марказларидан бири ҳисобланган Бухоро амирлиги XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида Ҳиндистон билан кенг қамровли савдо алоқалари олиб борган. XIX асрда Бухоро, Қарши, Термиз, Самарқанд шаҳарлари Ҳиндистоннинг муҳим савдо марказлари ҳисобланган Пешовар, Шикапур, Бомбей, Мўлтон каби шаҳарлари билан, Қобул, Ҳирот ва Қандаҳор шаҳарларидан ўтувчи қарвон йўллари орқали мунтазам равишда савдо алоқаларини олиб боришган. Ҳиндистондан келтирилган савдо молларига Бухоро амирлиги жумладан, Ўрта Осиё бозорларида ҳам талаб юқори бўлган. Бозорларда ҳинд маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан савдо алоқаларининг тараққий этишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг 60-80 йилларида Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида амалга оширилган савдо алоқаларига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига гувоҳ бўламиз. Бу борада П.С.Савельевнинг бериб ўтган маълумотлари биз учун шу давр тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. У Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқаларига доир тадқиқотлар ҳам олиб бориб икки давлат ўртасида амалга оширилган савдо ишларига ўзининг хулосаларини бериб ўтган. Бухоро Ўрта Осиёнинг муҳим савдо омбори бўлганлиги, бу даврда амирликда 4 мингдан ортиқ ҳинд савдогари яшаб савдо қилишини, Бухородаги қарвонсаройларда эса 300 дан ортиқ ҳинд савдогарлари доимий яшаб, судхўрлик билан шуғулланганлигини ёзади[1].

П.Небольсин ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро–Ҳиндистон ўртасида амалга оширилган савдо тўғрисида маълумотлар келтириб Мўлтон вилоятидан Бухорога йилига

10 минг туяда индиго, нил бўёғи ва бошқа савдо моллари олиб келинганини баён қилган[2]. И.Л.Яворский эса ҳар йили Ҳиндистондан Бухорога 12 минг туяда ҳар хил савдо моллари келтирилганлигини, Бухорода сотиладиган моллар ичида рус маҳсулотларидан кейин Ҳиндистондан келтирилган инглиз савдо моллари ҳам йирик миқдорда сотилишини қайд қилиб ўтган.

Манбаларда XIX асрнинг 60-80 йиларида ҳам амирликда хорижий савдогарларга эркин яшаш ҳуқуқи берилиб, бошқа диндагиларни камситмаслик, улар ўзлари хоҳлаган пайтда ўз ватанларига қайтиб кетиш кафолатланганлиги келтирилган. Лекин улар мусулмон – суннийларга қараганда икки барабар кўп бож тўлашган. Масалан, А.Бёрнс Бухорода ҳинд савдогарлари мусулмон савдогарлари билан бир хил имтиёзга эга бўлиб, Бухорода уларни ҳеч ким ислом динини қабул қилишга мажбур қилмаганини таъкидлайди[3]. Маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирига келиб Бухоро амирлигида 5 мингдан ортиқ ҳинд савдогарлари савдо билан шуғулланиб уларнинг баъзилари амирликда ўртача 10-15 йилдан 40-50 йилгача яшаб, ундан сўнг ўз ватанларига қайтиб кетишган. Архив ҳужжатларида 1894 йилда Бухоро шаҳри ва унинг атрофида 900 дан ортиқ ҳинд савдогарлари судхўрлик билан шуғулланиб, улар томонидан амир ғазнасига бир йилда 10 минг танга жизъя солиғи келиб тушганлиги келтирилган[4].

Бухоро – Ҳиндистон савдо алоқалари бир нечта карвон йўллари орқали амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Қарши, Термиз, Самарқанд Масалан, Пешовардан йўлга чиққан повинда карвони афғонларнинг ҳайбор қабиласи яшовчи Ҳайбор давони орқали 3 кун йўл босиб Жалолободга, ундан сўнг Қобулга келган шу ерда савдогарлар ўз савдо моллари учун закот солиғини тўлаб йўлни давом эттиришган. Қобулдан Бомиёнга ўтувчи йўллар тоғли ҳудудлардан ўтганлиги учун карвонлар 16 кун йўл юришган. Бу йўл орқали Саричашма, Хулм ва Бомиёнга келишган савдогарлар бу ерда ҳам закот солиғини тўлаб йўлни давом эттиришган. Бомиёндан Балхга 2 кун, Балхдан Каркигача 7-9 кун йўл юришган[5]. Балх ва Каркида ҳам савдогарлар ўз моллар учун закот тўлаб Қаршига етиб келишган ва шу ерда савдо молларини Бухоро амирлигининг турли ҳудудларига тақсимлашган. Савдо карвоннинг бир қисми эса Қўқон ва Тошкентга бориш учун ўз йулини давом этирган.

Банди–Султон–Ҳирот–Қандаҳор савдо йўли муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу йўлдан савдогарлар қадим замонлардан бери фойдаланиб келишган. XIX асрнинг 60-80 йилларига келиб эса Бухоро–Чоржўй–Марв ва Бухоро–Қарши–Термиз–Сарой карвон йўли Бухоро – Ҳиндистон савдо алоқаларини олиб боришда асосий магистрал савдо йўли бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, фавкулотда вазиятлар юз берган пайтларда икки давлат савдогарлари

Шакарпур–Лохур–Жемшир–Пинур–Жухумпур–Мирет–Жатнихор–Акбаробод–Банорас–Азимобод–Маҳсудобод–Калкутта йўлидан ҳам қисман фойдаланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу йўлнинг оралиқ масофаси (Бухородан Калкуттагача) 7240 чақиримдан иборат бўлиб савдо карвони 181кун деганда манзилига етиб борган[6]. Йўлнинг оралиқ масофасининг узоклиги, давонлардан ўтишнинг мураккаблиги ва савдогарлардан катта машаққат талаб қилганлиги учун ҳам бухоролик ва бошқа савдогарлар бу йўлдан деярли фойдаланишмаган.

Фавкулотда вазиятлар, давлатлардаги ички низолар, карвон йўли хавфсизлиги яхши таъминланмаган вақтларда Бухоро-Ҳиндистон ва бошқа хориж савдогарлари қуйидаги икки йўналиш орқали ҳам савдо ишларни олиб боришган. Калкутта ёки Бомбайдан Пешовар орқали Қобулга, у ердан Бухорога, иккинчи йўналиш эса сув йўли орқали форс қўлиғидаги Бондар-Бушеҳр бандарига, бу бандаргоҳдан Исфаҳон, Машҳад, Марв, Чоржўй орқали Бухорога келган. Иккинчи йўналишдаги йўлнинг оралиқ масофаси узоклиги, савдо божларининг юқорилиги, ва харажатларнинг ортиб бориши савдогарларга қийинчилик туғдирган. Лекин юқоридаги омилар юзага келган пайтларда бу йўлдан ҳам қисман бўлсада фойдаланишга мажбур бўлган.

Савдо йўлларининг Ўрта Осиё даврлари учун аҳамияти жуда катта бўлиб, бу йўллардан бухоролик савдогарлардан ташқари Хива, Қўқон хонлиги ва шарқ мамлакатлари савдогарлари ҳам фаол савдо ишларини олиб боришган. Бухоро–Ҳинд савдогарлари карвон йўлларида бир неча марта закот солиғини тўлашга мажбур бўлишига қарамай икки давлат ўртасида савдо сотиқ ишлари тўхтаб қолмади, аксинча, йилдан йилга савдо алоқалари ривожланиб борган.

Бизга маълумки XIX асрнинг бошларида ҳам Бухоро амирлиги Ҳиндистон билан қизғин савдо ишларини олиб борган. XIX асрнинг 50–60-йилларига келиб ҳам савдо алоқалар ривожланиб борди. Бу даврда ҳинд савдогарлари Бухорога асосан шойи газламалар, юпқа ип-газламалардан тўқилган саллалик ва астарлик матолар, марварид ва қимматбаҳо тошлар, шунингдек, Бухоро бозорларида талаб катта бўлган нил бўёғини йирик миқдорда олиб киришган. Маълумотларга кўра бир йил ичида 2000 туяда Мўлтонда тайёрланган нил бўёғи Бухорога олиб кирилгани, бир пуди Бухоро бозорларида 44 рублдан сотилгани таъкидланган. Шунингдек, амирлик бозорларида ҳинд молларидан Кашмир шалиси, мовут, зар ипдан тикилган кашта ва чойшабларга ҳам талаб юқори бўлган[7]. Амирлик ва қўшни хонликлар бозорларида ҳам кашмир шалисига ихтиёж юқори бўлиб нархи анча қиммат бўлган. Е.К.Мейндорф берган маълумотга кўра, Кашмирда йилига 30 минг донагача шали тўқийдиган дастгоҳлар бўлиб, бу дастгоҳларда

хар йили 100 минг донагача шали тўқилган. Кашмирдан эса йилига 20 минг дона шали Қобулга олиб келиниб, шундан 3 минг донаси Бухорога келтирилган. Шундан 2 минг донасини Бухоролик савдогарлар Россия шаҳарларидаги бозорларда юқори нархларда сотиб яхши фойда олгани маълум[8].

Кашмир шалиси ризоий, рахдор, бутадор, шамли, алвон, жўроби каби турларга бўлиниб, улар турига қараб нархланган. Пешовардан тамаки, кокос ёнғоғидан ишланган кулдонлар, пахтадан тайёрланган оқ ва хаворанг саллалар, туя терисидан ясалган тарозилар, Кашмир қаламдонлари, муслин, банорас, кимхоб каби маҳсулотлар амирликка олиб кирилган. Шунингдек, амирлик бозорларига Англия саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам йирик миқдорда кириб кела бошлаган. 1860 йиллари охирида Англиянинг Манчестр фабрикасида тўқилган 78 турдаги ип-газламалар Ҳиндистонга келтирилиб, у ердан амирлик бозорларига ҳам олиб келинган. Бу даврда Ҳиндистондан Қобул орқали Бухорога ҳар йили бошқа турдаги маҳсулотлар билан бир қаторда 170 минг фунтстерлинглик ингилиз ип-газламаси, жун ва шойи моллари ҳам келтирилган[9].

XIX асрнинг 60–80-йилларида Бухоро амирлигидан Ҳиндистонга ҳам ипак, ип-газлама, жун, эчки тивити, от, гиламлар, бодом, майиз, қуритилган мевалар, Россия ва Бухоро олтини, кумуш пуллар, Россиядан келтирилган гулдор духобалар чиқарилган. Ҳиндистондан келтирилган кўк чой, Пешовар гуручлари Бухоро бозорларида ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб турган. Бухоро бозорларида Пешовардан келтирилган гуручлар бошқа ҳудудлардан олиб келинган гуручларга нисбатан анча арзон нархларда сотилган. Маълумотларга кўра, Пешовар гуручларини маҳаллий аҳоли кўпроқ истемол қилишган. Қарши шаҳрида 1 фунт Пешовар гуручи 20 тийиндан сотилган [10]. Бухоро-Ҳиндистон савдосида чойнинг улуши ҳам юқори бўлган. 1860 йили Ҳиндистондан Бухорога 84 минг пуд чой келтирилиб, Бухородаги 6 та карвонсаройга жойлаштирилган. Масалан, “Саройи Абдурашид” бир йилда 3 минг туя, “Саройи Мирзагул” 1500 туя, “Саройи Бадриддин” эса 1200 туя чойни қабул қилган. XIX асрнинг 70–80-йилларида Бухорога 112 минг пуд кўк чой, 23 минг индиго, 20 минг пуд кисей олиб келинган[11].

XIX асрнинг 60–80-йилларида ҳиндистонлик савдогарларнинг Бухорога олиб келган савдо моллари ичида чой савдоси асосий ўринга кўтарилган. Бу даврда Бухоро бозорларига рус савдогарлари томонидан ҳам Хитойнинг Кяхтасидан келтирган кўк ва қора чойлар олиб келинган. Улар ҳинд чойларига нисбатан анча арзон сотилган. Лекин Хитой чойларининг бозорларда нархи арзон бўлишига қармасдан аҳоли ўртасида уларга нисбатан талаб анча кам бўлган. Ҳинд чойларининг сифати ҳам хитой чойлари билан

бемалол рақобат қилиб келган. Шу сабабдан ҳам ҳинд чойларининг амирлик бозорларида савдоси харидоргир бўлган.

Инглизлар Бухоро бозорларида чой савдоси билан шуғулланган рус савдогарларини синдириш мақсадида Хитойнинг Тубей, Юнань, Ан-хоу ва Цзянхео вилоятларидан келтирилган чойларни ҳинд савдогарларига 3 йил муддатга (5 фоизлик) кредитга беришган. Пешоварлик савдогарлар ҳам ўз ўрнида чойни Бухоролик маҳаллий савдогарларга кредитга беришган. Хитой чойининг ҳинд ва маҳаллий савдогарларга кредитга берилиши Бухорода чой савдоси билан шуғулланувчи рус савдогарларининг ишига жиддий таъсир қилган. Аста секин амирлик бозорларидан русларни сиқиб чиқара бошлаган. Бухоро бозорларида ҳинд чойларининг кўплигидан нарози бўлган Л.Ф.Костенько Россия ҳукумати ҳинд чойининг амирликка кўплаб кириб келишига қарши бирон бир чора кўра олмаганлигини ёзади[12]. М.А.Терентьев ҳам амирликдаги чой савдосига тўхталиб: “Бизнинг мавқеимиз Бухорода жуда ҳам заиф, бу бозорлар бизлар учун бутунлай бегона” [13], – дея эътироф этган. Улар шу тариқа ўзларининг эътирозларини Россия ҳукуматига билдиришган.

Бухородаги Абдурашид, Бадриддин, Барран кўҳна, Домлашер, Исмоилхўжа ва Мирзагул карвонсаройларда Пешовардан келтирилган чойнинг 16 хил нави сотилган. Н.Петровский 1870 йил бошидан инглиз-ҳинд моллари савдоси тўғрисида маълумот тўплаб “Ўрта Осиё савдосига оид икки йиллик кузатишларим асосида мен аниқ ишонаманки, Бухоро бу савдонинг бош масканидир”, – деб таърифлайди. Шунингдек, Бухоро бозорларига инглиз-ҳинд савдогарлари томонидан олиб кирилган чой савдосига баҳо бериб: “Энди биз Бухоро бозорларидан кўк чойни сиқиб чиқариш тўғрисидаги барча орзу-умидларимизни бир чеккага суриб қўйиб, бу чойлар бизнинг ҳудудимизга кириб келишининг олдини олишимиз керак”, – деб ёзади[14]. Бухоро-Ҳиндистон савдосига доир берилган маълумотларни ўрганиб таҳлил қилинган бизга шу нарса равшан бўлдики, Россия ҳукумати Бухоро бозорларидан қанчалик ҳинд чойларини сиқиб чиқаришга уринмасин бунинг олдини ололмаганлиги ойдинлашади.

1868 йилда Ҳиндистон ва Қобулдан Бухорога 4 минг туяда савдо карвони келган бўлса, шундан 800 та туяда кўк чой, қолган туялардаги юklar эса цех ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган инглиз маҳсулотларини ташкил қилган. 1860–1870-йилларда амирлик бозорларида Ҳинд-инглиз савдо молларининг улуши рус маҳсулотларига нисбатан анча юқори бўлган Ҳужжатларда Ўрта Осиёдаги савдо улуши русларникига нисбатан 22 марта кўп бўлгани қайд қилинган[15]. 1868 йилда Ҳиндистондан Бухорога 6500 туя, 1869 йилда эса 6560 туя ҳар хил савдо моллари келтирилган[16].

Амирлик бозроларини хориждан келтирилган маҳсулотлар табора эгаллаб бориши натижада рус маҳсулотларига нисбатан талаб кескин тушуб кетди. Бу жараёни тўхтатиш мақсадида Россия империяси томонидан 1868 йилдан бошлаб Европадан келтирилган молларни Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига олиб киришини тақиқлайди. Лекин бу фармонда инглиз-ҳинд молларининг Бухоро амирлигига киритилишини тақиқлаш кўзда тутилмаганди. Шу сабабдан Бухоро бозорларига катта миқдорда инглиз-ҳинд маҳсулотларини олиб кириш тўхтаб қолмади. Инглиз-ҳинд молларини бухоролик савдогарлар Туркистон ўлкасига йирик миқдорда олиб чиқишни давом этирган. Бу муаммони бартараф этиш учун Н.Глуховский Туркистон генерал-губернатори Кауфманга қуйидаги мазмунда хат ёзган: Ўрта Осиё хонликларини Россия божхона тизимига тортиш зарурлиги ва шу йўл билан Бухоро ва ҳинд савдогарларининг инглиз маҳсулотларини Туркистонга олиб киришига чек қўйиши мумкинлигини таъкидлаган[17].

П.Расул-зоданинг таъкидлашича 1860–1870 йилларда Ҳиндистондан Бухорога йилига 6500–7000 минг туяда савдо моллари олиб кирилган. 1870–1880 йилларда Бухоро - Ҳиндистон ўртасида амалга оширилган савдо алоқаларга эътибор қаратадиган бўлсак савдо ишларида инқироз кузатилмайди аксинча жадал ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур йилларда Ҳиндистондан Бухорога 70 минг пуд чой, 18 минг пуд нил бўёғи, 80 минг пуд бўёқ, 50 дона Кашмир палоси, 30 дона олтин матоли ҳинд буюмлари олиб келинган[18].

Рус агенти Н.Стремухов бу даврдаги Бухоро–Ҳиндистон савдосига тўхталиб: “Ҳиндистон савдогарлари Бухорога олиб келган маҳсулотларини бозорларда жуда арзон нархда сотиб, бозордаги нарх-навони издан чиқариб кетишади. Афғонлар, ҳиндлар ва яҳудийлар ўз молларини сотиб бўлганидан сўнг рус олтин тангаларини харид қилиб, Ҳиндистонга олиб кетади. Мен ўзим Бухорода рус олтини ва қадимий кумуш пули кўплигига бир неча бор гувоҳ бўлдим”, – деб ёзади[19].

Сиёсий агент Клем 1880 йилнинг иккинчи ярмида Ҳиндистондан Бухорога 70 минг пуддан ортиқ ҳар хил навли чойлар, 18 минг пудда зиёд нил бўёғи, 1400 пуд дока ва хом сурп, 800 пуд атторлик моллари, 250 дона амбарсари шалиси, 50 дона Кашмир шалиси, 300 дона кимхоб олиб келинганини маълум қилган. Ҳиндистондан Бухорога олиб кирилган бир йиллик савдо молларининг умумий миқдори 5 млн 475 минг рублни ташкил этган. Н. Стремухов Бухоро амирлигидан эса Ҳиндистонга ҳар йили 2100 пуд ёки 420 минг рублик савдо моллари чиқарилганлигини ёзган[20]. Бу берилган маълумотлар бир оз шубҳали. Чунки, Бухоро–Ҳиндистон савдосида биргина ипак савдосидан бундан кўпроқ суммадаги маҳсулот Ҳиндистонга чиқарилган. Тўғри икки давлат ўртасида олиб борилган

савдода Ҳиндистондан келтирилган савдо хажмининг улуши юкори бўлган, Лекин Бухоро амирлигидан бир йилда Стремухов кўрсатган рублдан анча кўпроқ маҳсулот чиқарилган.

Бухоро бозорларини инглиз-ҳинд маҳсулотларининг эгаллаши натижасида рус маҳсулотларига нисбатан катта рақобат туғдирди. Амирлик ва Туркистон бозорларидан инглиз-ҳинд маҳсулотлари сиқиб чиқариш мақсадида XIX асрнинг 80-йилларига келиб Россия империяси Бухоро бозорларини ўзига мослаштириш ва ўз манфаатларига хизмат қилдириш чораларини қўллашга мажбур бўлди. 1881 йилга келиб Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликлари бозорларига инглиз-ҳинд маҳсулотларини киритмаслик мақсадида рус ҳукумати томонидан “инглиз-ҳинд чойига катта миқдорда бож жорий қилди ва Ўрта Осиё хонликлари бозорларига рус молларига рақобат қиладиган инглиз-ҳинд молларни киритишни назорат қилиш ҳамда тақиқлаш тўғрисида” қарор қабул қилди[21]. Лекин Россия империяси томонидан чиқарилган мазкур чекловлар тўлиқ ўз самарасини бермай келган. Масалан, Россия императори Александр III нинг Амир Музаффарга йўллаган хатида 1881 йилнинг июнь ойида 3 минг, июлда эса 2 минг туяда Ҳиндистондан Бухорога савдо қарвони келганлиги қайд этилган. 1880 йилда Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо айланмаси 4 млн рублга етган. 1881 йили Ҳиндистондан амирликка 3 мингдан ортиқ туяда савдо моллари кириб келган. Савдо моллари ичида 600 та бўҳча (тугун), жами 1 млн 440 минг бўлак матолар бўлган[22]. Бухорога инглиз-ҳинд маҳсулотларининг йирик миқдорда кириб келиши бу бевосита Туркистон ўлкаси ва Хива хонлиги бозорларига кириб борди деган хулосани англатарди.

1881 йилда рус ҳукумати инглиз-ҳинд ва Европа давлатларидан келтирилган савдо молларига катта миқдорда бож жорий қилгандан сўнг. Россия империяси амирлик бозорларини тезроқ эгаллаш учун Бухородан Туркистон ҳудудига ўтадиган қарвон йўлларида божхона бўлимларини жорий қилган. Шунингдек, Бухорога келтирилган ҳинд кимхоби, Кашмир шалиси, амбарсари, наша каби рақобатдош молларни Туркистон ҳудудига олиб кирилишига тақиқ қўйилди[22].

XIX аср охирига келиб Бухоро ва Туркустон ўлкасида ҳинд савдогарлари энг кўп миқдорда солиқ ва бож тўлашга мажбур бўлган. Чунончи, 1860–1870 йилларда чойнинг ҳар бир фунти учун 2,5 фоиз миқдорида закот ва 15 тийиндан қўшимча солиқ олинган бўлса. 1881 йилдан бошлаб биргина нил бўёғининг пудига қўшимча 36 тийиндан қўшимча солиқ қўшилган. Масалан, Европада бир пуд нил бўёғидан 3 рубль 30 тийиндан Ўрта Осиёда эса 6 рублдан бож солиғи яъни икки барабар кўп олинган [24].

Инглиз-ҳинд молларини Туркистонга киритиш учун катта миқдордаги боғлар жорий қилинишига қарамай, Бухоро-ҳинд савдогарлари чой, нил бўёғи, олий сифатли

дока каби қиммат баҳо маҳсулотларни Туркистоннинг турли ҳудудларига олиб ўтишни тўхтатмаган. Савдогарлар томонидан катта миқдордаги божларни тўлаб ёки тоғли ва чўл ҳудудларидан ўтувчи яширин айланма йўллар орқали божхоналарни четлаб ўтиб Туркистон ҳудудига олиб киришган. Масалан, 1888 йилда Бухоро бозорларида Ҳиндистондан келтирилган чой анча арзон бўлиб, бир пуд чой 20-28 рублгача баҳоланган[25]. Шунинг учун ҳам Бухоро савдогарлар ҳинд чойининг бир пудга 14 рубль 40 коп. бож тўлаб, Туркистон ўлкасига чиқарган ва Тошкент бозорида бир пуд чойни 54 рублдан сотишган. Бож пулини қўшиб ҳисоблаганда савдогарлар чой савдосидан 11 рубль 60 коп.дан, бож тўланмай яширин олиб ўтилганда эса ҳар бир пуд чойдан эса 26 рублгача фойда кўрган. Туркистон ўлкасида Ҳиндистондан келтирилган нил бўёғига ҳам талаб юқори бўлиб, бозорларда анча қиммат сотилган. Масалан савдогарлар бир пуд нил бўёғи учун 6 рублдан бож тўлаган бўлсада, пудидан 36 - 38 рубльдан фойда олишган[26]. Туркистон ўлкасида ҳинд маҳсулотларига талабнинг юқорилиги ва нархлар анча баланд бўлганлиги сабаб савдогарлар юқори бож тўлашига қарамасдан кўпроқ фойда олиш мақсадида божхона пунктлари ва яширин йўллар орқали ўз молларини олиб киришни тўхтатмаган. Айланма йўллар орқали олиб ўтилган савдо моллари баъзи ҳолларда божхона ходимлари томонидан ушланиб мусодара қилинган.

XIX асрнинг 80-йилларига келиб ҳинд молларининг Афғонистон орқали Бухорога кириб келиши анча сусайди. Масалан, 1882–1883 йилларда олдинги йилларга нисбатан 19,5фоизга, 1883–1884 йилларда эса 14,4 фоизга камайиб кетган[27]. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида Афғонистонда юз берган сиёсий вазиятларни келтириш мумкин. Афғонистондаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги натижасида баъзи ҳудудлардан ўтган карвон йўлларида юриш анча ҳафли бўлиб қолди. Шу сабабли Бухоро ва ҳиндистонлик савдогарлар маълум бир муддат Бандар-Аббос, Машҳад ва Ҳиротни боғловчи йўлдан фойдаланишга мажбур бўлган. Бомбай портидан чиқарилган моллар Форс қўлтиғидаги Бандар–Аббос ёки Бандар–Бушеҳр шаҳарларига олиб келиниб, бу ердан туя карвонларида Язд орқали Машҳадга, ундан сўнг Ҳирот орқали Бухорога келтирилган[28]. Бу йўлдан юришда савдогарлар ҳар бир пуд юк учун баҳор ва ёз ойларида 12 крон (2 рубль 40 коп.), қишда эса 15 крондан (3 рубль) йўлкира ҳаққини тўлашган. Бундан ташқари, Бухорога олиб ўтилган ҳар бир пуд юкдан Эрон ҳукумати Бандар–Аббос ёки Бандар–Бушеҳрда 1 рубль 20 коп, Яздда 1 рубль 20 коп., Машҳадда эса 20 коп.дан савдо божини олган[29]. Эрон орқали юрган карвонлар Бухорога келиш учун 42-45 кун йўл юришган ҳамда кўпроқ бож тўлашга мажбур бўлган. Бу омиллар ҳам Бухоро-ҳинд савдосининг бир оз сусайишига ўзининг салбий таъсирини ўтказган.

ХУЛОСА

Бухоро-Ҳиндистон ўртасида савдо алоқалари қадимги даврдан бошлаб изчил давом этиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярми–XX бошларида Ҳиндистондан келтирилган савдо молларига нафақат Бухоро амирлигида бутун Ўрта Осиё хонликларида эҳтиёж юқори бўлган. Ҳиндистондан келтирилган чой, нил буёғи, Кашмир шалиси ва бошқа маҳсулотларга талаб юқори бўлиб келди. Бухоро ва Туркистон бозорларида ҳинд маҳсулотлари русларникига нисбатан анча арзон сотилган. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Россия империяси Бухоро бозорларини ўзига мослаштириш ва ўз манфаатларига хизмат қилдиришга, баъзи инглиз-ҳинд маҳсулотларини Бухоро ва Туркистон бозорларига киритмасликга доир чораларни кучайтирди. Лекин бу чора тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермади.

XIX асрнинг охирига келиб Россия империяси томонидан инглиз-ҳинд молларини Бухоро ва Туркистонга киритиш учун турли тўсиқлар ҳамда қўшимча божлар жорий қилинди. Бунинг натижасида XX бошларида Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида олиб борилган савдо алоқалари бир оз сусайди. Бу даврда Бухоро амирлиги ўзининг иқтисодий мустақиллигини қўлдан бой бериши, қўшни мамлакатларда сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, ташқи савдода солиқларнинг ошиб кетиши Бухоро амирлигининг ташқи савдо алоқаларини олиб боришга жиддий салбий таъсир кўрсатди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Савельев П.С. Бухара в 1835 году. – СПб., 1836. – С. 13.
2. Небольсин П. И. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом (со стороны Оренбургской линии) // ЗРГО. Т. X. – СПб., 1856. – С. 312.
3. Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч II. – М., 1848. – С. 407.
4. Ўз МА, И 3-жамғарма, 2-рўйхат, 25-иш, 333-варақ.
5. Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), P. 14.
6. Бёрнс А. Кабул. Путевые заметка сэра А. Бёрнса в 1836, 1837 и 1838 гг. – М., 1847. – С. 116.
7. Расул-заде П. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент, 1968. – С . 22.

8. Ochildiyeu, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), P. 14.
9. Туркестанский сборник. Том. 6. – С. 51.
10. Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения в заметки. – Ташкент, 1872. – С. 222.
11. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны ... – С. 17.
12. Туркестанские ведомости. 1871. – № 5.
13. Терентьев М.А. Англия и Россия в борьбе за рынки. – СПб., 1876. – С. 62.
14. Петровский Н. Петровский Н.Ф. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения и заметки // Вестник Европы. 1873. – С. 236-237.
15. Туркестанский сборник. Том. 150. – С. 112.
16. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азии. 40-60-е годы XIX века. – М.: АН. СССР, 1963. – С. 98.
17. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азии ... – С. 97.
18. Расул-заде П. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX нач–XX вв ... – С. 68.
20. Стремухов Н. Поездка в Бухару. – М., 1875. – С. 664– 665.
21. Клем В. Современное состояние торговли Бухары ... – С. 3.
22. ЎзМА, И 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1162-иш, 59-162-варақ.
23. Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии ... – С. 153.
24. Разоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари. – Тошкент. 1994. – Б. 137.
24. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке. – Душанбе. 2005. – С. 98.
25. ЎзМА, И 1-жамғарма, 34-рўйхат, 714-иш, 8-варақ.
26. Разоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари ... – Б.137.
27. Расул-заде П. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины ... – С. 69.
28. Разоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари ... – Б.139.
29. Туркестанский сборник. Том. 526, – С. 11.
30. Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the xx century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*,2(11), 33-38.

31. Ochildiyeu, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.
32. Ochildiev, F. B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 583-586.
33. Очилдиев, Ф. Б., & Тогаев, Ж. Э. (2015). Заметки о системе местного управления в Бухарском эмирате в Середине XIX -начале XX века *Национальная ассоциация ученых*, (2-9 (7), 47-50.
34. Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ таджикотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.
35. Muhamedov, Y. K. (2019). THE HISTORY OF COMMERCIAL ECONOMICAL-CULTURAL RELATIONS OF TASHKENT OASIS. *Theoretical & Applied Science*, (10), 579-582.
36. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 75-79).